




ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ



ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАБЛАҒЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Мамлакатимизда

◆ Республика «Ўзкўргазмасавдо» марказида «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» деб номланган кўргазма ўтказилди. Унда республикадаги етмишдан зиёд корхоналар ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган экспортбоп турфа маҳсулотлар намойиш этилди.

◆ Тошкентда «Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш — бизнесни ривожлантиришнинг зарурий шarti» мавзuida семинар ўтказилди. Ушбу анжуман Фан ва техник давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Давлат патент идораси томонидан Украина илмий технологик маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

◆ Қаршидаги «Санам» ҳиссадорлик жамияти Германиядаги «Интержинс — 2000» кўргазмасида ўз маҳсулотлари билан иштирок этган эди. Ана шу маҳсулотлар «Бизнес — инвайтед директейшн» халқаро конвенциясининг «Сифат ва устулик учун олтин юлдуз» мукофотиغا лойиқ деб топилди.

◆ Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорлигида ташкил этган ижодий гуруҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган учрашувлари самарали бўлмоқда. Ҳамза номидagi ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси негизда тuzилган гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижодий сафарда бўлди.

◆ Навоий вилояти ҳокимлигида пахта йиғим-терими ва кузги галла экишининг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ Самарқанд вилоят ҳокимлигида «Диний тотулик — сийёсий барқарорлик» мавзuida анжуман ўтказилди.

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Молия вазирлиги сийёсий тадқиқотлар институти президенти Хироюсу Ватанабэ бошчилигидаги делегация Банк-молия академиясига ташриф буюрди.

◆ «Соғлод авлод учун» халқаро хайрия жағмармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоятининг чегара худуди аҳолисига тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш учун 16 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

ЎЗБЕКISTON СПОРТИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

Кунни кеча Австралиянинг Сидней шаҳрида якунланган Олимпия уйинлари Ўзбекистон спорти учун ўзига хос синов бўлди ва ундан мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли ўтди.

Олимпиада Ўзбекистон спорти юксак марралар сари дадил оидилаётганини яна бир бор намойиш этди. Мусобақаларда юртимиз спортчилари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медалини қўлга киритди. Ун икки вақилимиз эса кучли олимпияликдан жой олди. Олимпиадада боксчиларимиз эришган ютуқлар, айниқса, мактовга лойиқ. Ўзбекистонлик «чарм қўлоқ» усталари ўз чиқишлари якунларига кура, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида туртинчи ўринни эгаллади.

Ўтган ҳафта Сидней Олимпиадасида қатнашган делегациямиз аъзолари учун унутилмас давр бўлиб қолиши аниқ. Бу даврнинг ўзига хос якуни эса 4 октябрь бўлди. Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида олимпиадачиларимизни қабул қилди.

— Аваламбор, олис Австралия заминида бўлиб ўтган Олимпия уйинларида қатнашиб, Ўзбекистон обрўсини яна бир қарар жаҳонга тараннум этиб, она юртимизга, ота-онангиз, ёру биродарларингиз бағрига эсон-омон қайтиб келганингиз учун Аллох таолога шукроналар айтамин, — деди давлатимиз раҳбари учрашувда. — Шу Фурсатдан фойдаланиб, Олимпия уйинларининг бошидан охиригача сизларнинг миллионлаб муҳлисларингиз, бутун халқимиз Ўзбекистон спортчиларининг чиқишларини телевидение ва матбуот орқали кузатиб, хушбахтарлар кутиб яшаганини айтиб ўтмоқчиман.

Олимпия уйинларининг очилиш маросимида мамлакатимиз вакилларининг бошқа давлатлар спортчилари қаторида виқор билан ўтгани, уларнинг қадди-қомати, очик чехрасининг ўзбек барча ватандошларимизнинг гурурига гурур қўшди. Нега деганда, спорт олимпиадида энг нуфузли, энг юксак саналимиш Олимпия уйинларида қатнашининг ўзи барча учун катта бахт, катта шараф.

— Олимпия майдонларидаги мусобақалар қандай қизғин курашлар остида ўтгани, ҳар бир иштирокчидан жуда катта кучкуват, ирода ва интилиш, бутун борлигини бағишлашни талаб этгани кўпчиликка аён, — деб таъкидлади Президент. — Барчамиз мана шундай кескин рақобат шароитида ғалабага эришиш, муносиб ўрин эгаллаш нақадар оғир ва машаққатли кечганингиз нуғвои бўлди. Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати номидан, муқтадил мамлакатимиз халқи номидан Олимпия уйинларида қатнашганингиз, гарчи, айримларингизга омад қилиб



боқмаган бўлса-да, бутун куч-ғайрат ва қатъият билан курашганингиз, Ўзбекистон обрўсини юксалтиришга ҳисса қўшганингиз учун барчангизга ташаккур билдиришдан бахтирман. Яна ва яна бир марта айтмоқчиман. Ватанимизнинг муносиб вакиллари бўлиб, бор куч-ғайратингизни сафарбар этиб, шундай нуфузли мусобақаларда қатнашганингизнинг ўзи мен учун, ва уйлайманки, бутун халқимиз учун катта ғалаба, десак хато бўлмайди. Шу боис, барчангизнинг, Ўзбекистон жамоасининг мана шу ютуғига қўлимиздан келганича ҳисса қўшиш, дея бошингизни баян кўтариб юришингиз тарафдориман.

Маълумки, спортчини олимпия уйинларида тайёрлаш узок ва машаққатли меҳнатдир. Шу сабабли, бу жараён бевосита ҳукуматимиз раҳнамолигида амалга оширилди. Улар учун энг яхши спорт майдонлари ва заллари ажратиб берилди. Аммо, яхши шариот ўз йўлига, устозларнинг ўғитио тавсиялари, тажрибалари эса бебаҳо. Эътироф этиш керак, спортчиларимизни машаққатли, аниқ пайтда, шарафли беллашувга тайёрлашда мурабий ва устозларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари уларга, шунингдек, Олимпиадада иштирок этган Ўзбекистон жамоаси раҳбарларига самийий миннатдорчилик билдирди.

Сидней Олимпиадасида Ўзбекистон боксига унутилмас шухрат ато этди. Мухаммадқодир

Абдуллаев ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб «Олимпиада чемпиони» деган юксак номга мушарраф бўлди. Президент бу спортчимизнинг Сидней рингларида кўрсатган матонат ва жасоратини чинакам қаҳрамонлик, деб атади.

— Мухаммадқодир кўксидан олтин медал билан голиблик шохуласида мағур турганида, унинг шарафига мамлакатимиз маҳдиси янграб, байроғимиз баян кўтарилганида, унинг тинимсиз халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намойиш бўлди, десам асло хато бўлмайди, — деди Ислам Каримов. — Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихори бўлган шундай пахлавон йиғитни тарбиялаб, вояга етказган ота-онангиз, барча устоз ва мурабийларига чин орақдан ташаккур айтаман.

Президент Олимпиаданинг бошқа қаҳрамонлари — кумуш медал совриндорни кураши Артур Таймазов, бронза медали соҳиблари — боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидовни ҳам эришган ғалабалари билан муборакбод этди.

Бугун Ватанимиз ҳам, халқимиз ҳам, жумладан, спортчиларимиз ҳам, таъбир жоиз бўлса, катта тараққиёт йўлининг бошида турибди. Шу маънода спортчиларимизнинг муваффақияти келгусида кўлга киритиладиган оламшумул зафарларнинг дебечасидир. Президентнинг таъбири билан айтганда, бу ютуқлар Ўзбекистон спортчилари учун яна

тўрт йилдан сўнг Олимпия ҳаракатининг ватани бўлиши қадим юнон диёри — Грецияда ўтказилажак навбатдаги Олимпиададаги катта ғалабалар учун замин бўлади.

Ислам Каримов Сидней Олимпиадаси совриндорларига зарбоф тўн кийдириди ҳамда уларга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, олис Австралияда бўлиб қайтган Ўзбекистон спорт делегациясининг бошқа аъзоларига эсдалик совғалари берилди.

Шундан сўнг, Олимпиаданинг ҳақиқий қаҳрамони, XXVII ёзги Олимпия уйинлари чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев сўзга чиқиб, юртимизда спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Мен кўлга киритган олтин медал фақат ўзимники эмас, балки сиэники ҳамдир, — деди машҳур боксчи. — Зеро, биз, спортчилар эришяётган ютуқларда сиэнинг бекиёс ҳиссангиз бор. Ватанимиз мустақилликка эришмаганида, давлатимиз раҳбари юртимизда спортни ривожлантиришга шахсан ўзи бош-қош бўлмаганида, биз бундай жаҳоншумул муваффақиятларга эриша олмадик.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раҳбари Собир Рўзиев ҳам Сиднейда спортчиларимизнинг муваффақияти иштирокини таъминлаган бош омили, ҳукуматимиз, шахсан Президент Ислам Каримов томонидан спортга ва спортчиларга қўрсатилган катта ғам-ҳурлик ва эътибор бўлганини алоҳида таъкидлади. У давлатимиз раҳбарига Олимпиадада иштирок этган Олимпиада делегацияси аъзолари номидан миннатдорлик изҳор этиб, спортчиларимиз бундай ғам-ҳурликка жавобан келгуси мусобақаларда янада муваффақиятли қатнашгани ва Ватанимиз обрўсини тагин ҳам юксалтираверди, деб ишонтирди.

Олимпиада болашини арафасида Президентимизнинг маъруз мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган спортчиларни алоҳида рағбатлантириш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Вазирлар Маҳкамасининг маъруз фармон асосида қабул қилинган қарорига биноан, Олимпиаданинг олтин медали совриндори М.Абдуллаевга 100 миң, кумуш медал соҳиб би А.Таймазовга 50 миң, бронза медал соҳиблари кўлга киритган С.Михайлов ва Р.Саидовга 25 миң АҚШ долларидан пул мукофотлари бир ҳафта ичида берилди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири,
СУРАТДА: қабул пайти.
Мухаммад Амин олган сурат.

ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНМОҚДА

Ҳар доимгидек ўғлонларимиз Ватан олдидаги ўз бурчларини ўташга отланадиган вақт келди — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқоаб хизматга навбатдаги қақариш тўғрисидаги қарорига мувофиқ эртадан бошлаб куч-қувватга тўлиқ, қалбидан она юртига муқоабат ҳислари жўш урғун йиғиларимиз учун кузги қақариш мавсуми бошланди.

Биз Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг бошлиғи Сирожиддин Холқиназаров билан учрашувда, шаҳримизда кузги қақаришга қандай тайёргарлик қилинган, Ватан мудофаасига том маънода энг муносиб йиғилар жалб этилиши учун қандай ишлар амалга оширилганга тўғрисида суҳбатладик.

— Сирожиддин Мирзахаммадович, албатта кузги қақариш, баҳорги қақариқнинг натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, ташкил этилиши табиий. Айтингчи, бу йилги баҳорги қақариқнинг натижалари қанчалик бўлди?

— Дарҳақиқат, баҳорги қақариқ ўтганидан кейин унинг якунларини сарҳисоб қилдик. Ушбу жараён бирмунча мураккаб кечганлигига сабаб, террорчилик ҳуружи ва диний-экстремистик оқимлар ҳаракати сабабли туманлардаги маҳаллалар оқоқоллари, участка нозирлари бирмунча банд бўлиши, бизга жамоатчилик томонидан қўрсатилган кумак камроқ бўлди. Шундай бўлсада амалга оширган сай-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, республика бўйича яхши қўрсаткичларга эришилди ва бу Мудофаа вазирининг буйруғида ҳам ўз аксини топди. Бизга ай-

БУГҒН

Ўзбекистон амалий санъат музейида Япония маданияти кунлари очилди. Аянага айланган ва 30 октябргача давом этадиган ушбу талбир мамлакатимизда бешинчи мартаба ўтказилмоқда.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида ушбу талбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан Япониянинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси Киюко Накаяма хоним бу йилги маданият кунлари ўзининг сермазунлиги ва кенг қамрови билан олдингиларидан ажралиб туришини таъкидлади. Мазкур талбирларни ўтказишга нафақат Япония элчихонаси, балки Ўзбекистонда истиқомат қилаётган япон илмлати вакиллари жалб қилинган. Талбирларнинг бирига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақдир этилган ва раҳбаримиз кунчиқар мамлақати ҳақида маъруза қилиши-

нинг ўзиеқ мазкур талбирнинг нечоғлик аҳамиятли эканидан далолат беради.

Маданият кунларининг очилишида Ўзбекистонга Фарғона вилояти ва Тошкент шаҳридан ўрта мактабларни умумий миқдори

Кўргазмада Эдо, Хейан даврига оид нобб кўйрочлар, император саройининг, шунингдек, Кабуки театрининг кўйрочлари намойиш этилди. Япониядан ташриф буюрган мутахассислар машгулотлар ўтказиб, кўйрочларни тайёрлаш технологиясини кўрсатишди. Шунингдек, кўргазмада Японияда энг қадимий профессионал театр ҳисобланган ва актёрлар сахнада ялтироқ ниқобларда

мойиши ҳамда чой маросимлари ўтказилди.

Олти кун давом этадиган Япония кинофильмлар фестивалида томошабинлар эътибордан олтинга фильм, жумладан, Ўзбекистонда машҳур бўлган япониялик режиссёр Акиро Куросаванин фильмлари ҳавола этилади.

Япония Маданияти кунлари ниҳоясида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига Хосэй университетини профессор жано Хасимото ва Хитоцубаси университетини профессори жано Като иштирокида Япония иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги ва «Япониянинг урушдан кейинги сиёсати» мавзuida семинар бўлиб ўтади.

Азамат ОТАЖОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Кузги қақариққа пухта тайёргарлик қилиш мақсадида август ойидан қақариқчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш юмушларини бошладик. Мақсад, барча ўсмирларни олдиндан текшириб энг соғломларни ажратиш хизматга жўнатишдир. Натижада Вазирлар Маҳкамасининг қарори чўққунга қадар 60 фоиз йиғиларни тиббий қўриқдан ўтказиб бўлдик. Бинобарин,

Транспорт

Мамлакатимиз йўловчи темир йўл транспортини тақомиллаштириш соҳасида қўрилаётган техник талбир боксчи-максик амалга оширилмоқда. Бундай муҳим ишларни олиб боришда Япониядаги «Марубени корпорейшн» фирмаси ҳам ўзининг амалий ёрдами беришга киришди.

Гап шундаки, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик темир йўл компанияси билан Япониянинг ушбу фирмаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган эди. Узаро қилинган мувофиқ Япония томони компанияга энг замонавий вагонлардан 25 тасини етказиб бериши ўз зиммасига олган эди. Ана шу буюртма вагонлардан ўн таси яқинда Тошкентга олиб келинди.

Ушбу келтирилган вагонлар Германиянинг «Аммендорф» фирмасида ишлаб чиқарилган. Уларнинг ҳар бири 40 нафар йўловчига мўлжалланган бўлиб, кўпгина қулайликларга эга. Компаниянинг «Сервис-маркази» истиҳорида бўладиган немис вагонларидан сайёҳлик поездлари сифатида фойдаланилади. Шуниси қувонарлики «Марубени корпорейшн» фирмаси ушбу вагонларнинг эҳтиёт қисмларини ҳам етказиб беради.

Ақбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМЖИ

газетасига
2001 йил учун
обуна бошланди!

Шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида «Оқшом»га обуна қабул қилинмоқда.

Вирусли гепатит касаллиги асосан ифлосланган мева ва сабзавотлар, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқади. Касаллик вируслари одам организмига тушган кўпаяди ва бутун танага тарқалади, айниқса жигар, асаб ҳужайралари ва бошқа аъзоларини зарарлайди ва кўпроқ ёш болаларда учрайди.

Касалликнинг аломатлари бошланмасдан бир неча кун олдин вируслар нажас ва пешоб йўллари билан ажралиб туради.

Касалликнинг бошланғич даврида сарғайишдан олдин айниқса кўп вируслар ажралди. Бу вақтда касаллик зимдан кечади ва бемор атрофдагилар учун касаллик тарқатувчи хавфли манба бўлиб қолади. Шу боис бу пайтда беморни зудлик билан юқумли касалликлар шифохонасига ётқиши керак.

Касалликнинг сарғайиш даври

бошланганда даставвал кўз оқи сарғаяди. Айни пайтда бемор пешобининг ранги ўзгариб қолади. Тангай ва тил ости шиллиқ пардалари ҳам сарғая бошлайди. Бемордаги дармонсизлик, иш-

локотда бўлиш ёки унинг анжомларидан фойдаланиш касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу касаллик билан оғриган беморлар-

ларда тегишли профилактика тадбирлари ўтказилса гепатитнинг олдини олган бўлаемиз. Бу ишда фақат тиббиёт ходимлари, эмас, балки кенг омма ҳам иштирок этиши зарур. Бинобарин вирусли гепатитнинг олдини олишда кенг аҳоли оммасининг озодлиқка риоя қилиши жуда муҳимдир. Шунинг учун барча хонадонларда, одамлар кўп тўпладиган жойларда, айниқса озиқ-овқат муассасаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши зарур. Ҳўл мева ва сабзавотларни қайнаган сувда чайиб ейиш, сут ва сувни қайнатиб ичиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек юқумли вирусли гепатит касаллигига қарши курашда организм қувватини ошириш ҳамда уни мунтазам чиққитириб туриш яхши самара беради.

Фофуржон ТОЖИБОВ, Собир Раҳимов тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг бош врач.

Шифокор оғоҳлантиради ЯНА САРИҚ КАСАЛЛИГИ ҲАҚИДА

тахта бузилиши, уйқучанлик ва бошқа аломатлар кучаяди.

Вирусли гепатит ташхиси қўйилган бемор касалхонага ётқизилгандан сўнг беморнинг кўрпа-тўшаги, чойшаби, идиш-товоғи ва бошқа фойдаланадиган анжомлари албатта зарарсизлан-тирилиши (дезинфекция қилиниши) шарт. Бемор билан яқин му-

нинг даволаниши тўлиқ бўлмаган ҳолатларда ёки нотўғри давола-ниш натижасида бемор касаллик-нинг сурункали кўринишига ёки касаллик вирусини ташиб юр-уви учулига ўтиши мумкин. Бу ҳолат атроф-муҳитдагилар учун жуда хавфлидир.

Бемор қанча барвақт аниқла-ниб касалхонага ётқизилса, жой-



Хунармандлар кўргазмасида. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

МУКАММАЛ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

Таниқли поляк олими Стислав Нохлика йирик ҳуқуқшунос мутахассис сифатида яхши танилган. Унинг «Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи қисқача очерки» номли китоби ўқув дарслиги янглик кенг оммалашган.

Ушбу китобнинг ўзбек тилида чоп этилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу нашр Тошкент Давлат юридик институти талабалари

учун янги ўқув йилига яхши соғва бўлди.

Поляк олими китобнинг ўзбек тилида юзага келишида халқаро Қизил-Ярим

Матбаа

Ой қўмитасининг мамлакатимиздаги минтақавий вақалотхонаси ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари ўрганиш марказининг

молиявий кўмаги катта бўлди.

Янги ўқув йили олдиндан яна бир дарслик босилиб чиқди. «Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи» деб номланган бу ўқув адабиётининг чиқишига ҳам халқаро Қизил-Ярим Ой қўмитасининг миқтоқовий вақалотхонаси ва Тошкент ҳуқуқ институти ҳузуридаги инсон ҳуқуқлари ўрганиш маркази яқиндан ёрдам кўрсатди.

Ақбар АЛИЕВ.



Оқшомда

7 октябрь — шанба (Ойнинг 10/11 кун). Инсон онгда меҳр-шафқат, муруватлилик туйғулари жўради. Айнан шу ҳиссиёт билан имкон қадар кўпроқ одамларга яхшилик қилишга интилинг — шунда ўзингиз ҳам оғир кунларда ёлғиз қолмайсиз.

Бўғимлар, асаб тизими хасталиқларини даволаш тавсия этилади. Юрак хасталигидан азият чекувчи кишилар шу кунни ўзларини эҳтиёт қилганлари маъқул. Гиванд моддалари бўлган дориларни истемол қилишдан тийилинг. Игна санчиш билан боғлиқ муолажани бошқа вақтга кўчириг — ноҳуси асоратлардан холи бўласиз.

Тушларингиз ўнгидан келмайди. Лекин улар жуда муҳим нарсалар ҳақида хабар қилиши мумкин — оғоҳ бўлинг.

8 октябрь — якшанба (Ойнинг 11/12 кун). Бугунги кунни одамларга раҳм-шафқат ва ҳамдардлик билан ўтказиш жоиз. Мабодо, бунга амал қилмас экансиз, бо-

ғизнинг ортиқча совуб кетишига йўл қўймаг. Юракка жарроҳлик операцияси ҳам тавсия этилмайди. Юрак хасталигидан азият чекувчилар эҳтиёт бўлишлари керак — инфаркт хуруж қилиши хавфи бор. Шу кунни бўғимларни, асаб тизими хасталиқларини даволаш яхши самара беради.

Тушларингиз ҳазин бўлиши мумкин, лекин уларда муҳимроқ бирон хабар бўлмайди.

11 октябрь — chorshanba (Ойнинг 14/15 кун). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири оғир келади. Кишини дангасалик, таъсирчанлик, бировларнинг алдовларига учинишга мойиллик кучли бўлади. Ўз хатти-ҳаракатларингизни назорат қилиб боришга интилинг. Яхшиси, бу кунни холироқ ўтказганингиз маъқул.

Жар-юз ва пластик операцияларни ўтказиш тавсия этилади. Корин бўшлиғида жарроҳлик операцияларини кечиктириб турганингиз маъқул. Буйрақлар ва калконсимон

Шифобахш неъматлар

МИНГ ХИСЛАТЛИ ДАРАХТ

Ўзбекистон шифобахш ўсимликлар маскани сифатида таърифланади. Булар орасида ёнғоқ ўзининг сабобли, қуяқ сояси ҳамда серхосиятли ёнғоқлари билан ажралиб туради. Ёнғоқнинг ёғочидан тортиб, баргигача, мева қобигидан тортиб мағзигача шифобахшлиги билан азиятланади.

Ёнғоқни жуда кўча замонлардан бери халқ табобати амалиётида атрофича қўлланиб келиши маъқул. Жумладан, ўз даврида Буноқ ҳакиму ҳозир Абу Али ибн Сино ёнғоқнинг барг ширасини илж ҳолида қулқ ичи йиринглаганида томизишни лозим кўрган. Ёнғоқ пўстлогидан тайёрланган қайнатмани бачадондан кон кетишини тўхтатишда ва гижжа ҳайдовчи оил сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида ёнғоқнинг гуралигидида қобик шираси гуш (эжема), терининг ялғиланиши (дерматоз) каби касалликларни даволашда ишлатилади. Ёнғоқ мағзини асил асал билан янчилганини ўпка силлини даволашда, камкуватлиқда дармон бағишловчи табиий оил сифатида фойдаланилади.

Ёнғоқнинг мағзи эндигина сўт йиққан пайтда ниҳоятда фойдаллиги билан ажралиб туради. Бу даврда унинг таркибида дармондорилар мажмуаси салмоқли тус олади. Шу боисдан ҳам ёнғоқнинг ҳали тула этилмаган мевасидан саноят мекисиде сервиситидан маҳсуллар олинади.

Профессор А. А. Алтмишевнинг берган маълумотларига қараганда, ёнғоқ баргларидан тайёрланадиган қайнатмани ошан (ванна) бод, беланги, мичал (ширазда) — раҳит) ва азийли тери касалликларидида ижобий натижа беради.

Ёнғоқ баргларининг ажойиб хусусиятларидан яна бири уларнинг турли хашорат ва қуяқлар қирон келтирувчи ўзгача ис чқаришидир. Ёнғоқли препаратлар ташки муолажа кўринишида симоб таъсири натижасида ҳосил бўладиган яраларни даволашда, милқлар бўлашиб кетган ҳам фойдал беради.

Қадимдан қўлланиладиган халқ амали мавжуд бўлиб, мазкур усул билан гижжалар озоқлик билан йўқотилади. Бунинг учун гўра ёнғоқ қобигидан тайёрланган қайнатма, барглар асосида тайёрланадиган дамлама, янгигина олинган ёнғоқ мойини муасаллас билан ичиш тавсия этилади (Х. Х. Холатов ва бошқалар, 1984).

Ҳозирда ёнғоқ барглари асосида тайёрланадиган дамлама ошқозон-ичак йўллариининг ялғиланиши билан боғлиқ бўлган касалликларда, тери хасталиқлари, қангли диабетда, шунинг-

Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛДИН

шингизга қулфат тушган кезлари ёлғиз қолишингиз, ҳеч ким сизга ёрдам қилини чўзамлиги мумкин. Шу куннинг энергетикаси яқинларингизга яхшилик қилишга даъват этади; бировни хафа қилиш, аччиқлик, нафрат билан қараш зинҳор мумкин эмас. Бутун кун давомида хотиржам ва боисқ бўлишга ҳаракат қилинг.

Тушларингиз башоратли бўлади — уларга ишонши мумкин. Нимаки тушингизга кирса — эртами-кечми албатта ўзингизда содир бўлади.

9 октябрь — душанба (Ойнинг 12/13 кун). Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири кучи табиат билан гўч уйғун бўлади. Бу — жуда осоишга кун. Қандайдир салбий эхтиросларни намоян эйтиш, қўполик қилишдан қочинг. Уй-рўзгор ишлари билан, айниқса, уйлари тозалаш, поклаш билан шуғулланиш жуда фойдали бўлади.

Умумий саломатлигингизга путур етиши мумкин. Юракни зўриқтирадиган даражада ўзингизни қойитманг. Юрак инфаркти, хафқон хасталиги хуруж қилиши мумкин. Спиртли ичимликни суиистеъмол қилманг. Кучли таъсир этувчи тиббий дориларни қўллаш тавсия этилмайди.

Тушларингиз ҳам ёрқин, осоишга бўлади. Улар сизни тинчлатириб, асабилликдан, хасталиқлардан қутқаради.

10 октябрь — сешанба (Ойнинг 13/14 кун). Кишилар онгда меҳр-муруват, саховат туйғулари фаоллашади. Бу кун ҳар қандай ишни бошлаш учун қулай келади — имкониятларингизни бой берманг. Ўзингиз тушунмаган ҳолатда юрагингиз қисилиши мумкин, бундай тушқунликка берилманг, у тез орада ҳеч бир исзис йўқолади. Яхши нарсалар, эзгуликлар ҳақида ўйланг. Аллоҳга илтижо қилиб дуолар ўқинг, яхши китобларни мутолаа этинг — бу кун маънавий камолот сари интилиш кун.

Яхшиси ҳар қандай қон қуйишлардан, жигар ва ўт пурғида жарроҳлик операцияларидан ўзингизни тийиб туринг. Танан-

без фаолияти билан боғлиқ аъзолар заифлашади. Қанг хасталиги билан оғриган беморлар айниқса эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Бугун спиртли ичимликлар ва бағда таомлардан тийилиш керак.

Тушларингиз башоратли бўлиб, уларни имкон қадар яхшироқ эслаб қолтишга ҳаракат қилинг.

12 октябрь — пайшанба (Ойнинг 15/16 кун). Мазкур кеча-кундузда Ой сайёрасининг таъсири инсон ва табиат билан гўч уйғун бўлади. Муסיқани баянда қўйиш, салбий эхтиросларни намоян эйтиш, қўполик қилишдан тийилиш керак. Атрофдаги уйғунликни бузишга интилиш бунга жазм қилганлар учун халокатли бўлиши мумкинлигини ёдда тутинг.

Саломатлигингиз бироз бўшаганини ҳис этишингиз мумкин. Юракка ортиқча оғирлик тушириш тавсия этилмайди. Инфаркт, қон босимининг кескин кўтарилиб кетиш хавфи бор. Спиртли ичимликни суиистеъмол қилиш ярамайди. Кучли таъсир этувчи дорилардан ҳам тийилинган маъқул.

Тушларингиз ҳам ёрқин, қайфиятингизга монанд бўлиб, икки ҳафта мобайнида ўзингизда намоян бўлади.

13 октябрь — жума (Ойнинг 16/17 кун). Шу кеча-кундузда мобайнида ҳам Ой сайёрасининг Ерга, инсонларга таъсири табиат билан уйғун бўлади. Ҳеч бир йўл билан шу куннинг тинчлиги ва осоишчилигини буза кўрманг. Камтар-камсуқум бўлишга ҳаракат қилинг. Мансаб кетидан қувишда меъёрдан чиқиб кетмасликка интилинг.

Бугун юқори нафас йўллари ва ўпкани даволаш тавсия этилади. Томоқ безларини, аденоидни олиб ташлаш, гайморитни даволаш мумкин. Хаммомга тушиш, айниқса, унинг бўхонасида ёки саунада бўлиш тавсия этилади. Кучли таъсир этувчи дориларнинг истемол қилишдан тийилишингиз маъқул.

Тушларингиз ички тангликни олиши ва эҳтимолки, баъзи хасталиқлардан халос этиши мумкин.



Дугоналар гурунги. Равиль Альбеков олган сурат.

Шаҳар хўжалиги мавзусида

УЮШҚОҚЛИКДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Маълумки, шаҳримизда «ТошГАЗ» бошқармаси томонидан шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тадбир давомида кузги-қишки тайёргарлик ишлари, аҳолининг газдан фойдаланишда хушёрлик ва эҳтиёткорлик қораларини кўришга, ўзбошимчилик билан газдан нотўғри фойдаланаётган фуқароларни аниқлашга ва энг муҳими шахми аҳолисини, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларни қишининг совуқ кунларида узлуксиз ва бехатар газ билан таъминлаш учун қаратилган вазифаларга алоҳида аҳамият қаратилади. Ақмал Икромов тумангази идораси бошлиғи Абдужаббор КАРИМОВ ушбу тадбир туманда қандай ўтказилаётгани хусусида муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

«ТошГАЗ» шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилаётган ушбу хайрли тадбир ҳар йилгидек жорий йилда ҳам туманимиз газлаштириш идораси ходимлари томонидан уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Идорамизда меҳнат қилувчи 92 нафар ишчи-хизматчининг бутун диққат-эътибори икки ойлик муваффақиятли амалга оширишга, шунингдек қишки мавсумга пухта тайёргарлик ишларини ниҳосига етказишга қаратилган. Тадбирни муваффақиятли ўтказиш учун махсус комиссия тузилган бўлиб, ҳар ҳафтада қилинган ишлар яқини муҳокама этилади ва келгуси режалар белгилан олинади.

Ходимларимиз ушбу тадбирни туман ИИБ ёнғининг олдини олиш назорати инспекцияси хизматчилари, маҳалла қўмитаси фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари билан ҳамжihatликда олиб боришмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг маълумоти билан газ тақсимлаш мосламалари қизғай тейрланди, 2,5 минг метр ер усти га кувурлари мавсум олдидадан бўялди.

Туманимиздаги «Олимжон» жамоа корхонаси хонадонлардаги фойдаланилаётган газ асбобларининг дудбурон ва шамоллатқичлари ҳолатини текшириб, уларнинг ишлашга яроқлилигини текшириб чиқмоқдалар, ту-

мангаз ходимлари эса ёнғининг олдини олиш назоратчилари билан биргаликда кўп қаватли уйлارда газ тармоқлари, газ плиталари ҳамда хусусий хонадонлардаги газ асбоблари ҳолатидаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга фаол киришилди.

Текширишлар жараёнида шу нарсалар аён бўлмоқдаки, кейинги пайтда баъзи бир кимсалар ўз хонадонларидаги газ плиталарини сотиб юбориб, қўлбола горелкалардан фойдаланмоқда. Баъзилари эса плиталарини резина ичакларда улаб бошқа хоналарга кўчиришган. Бундай ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида субтаблар уюштирилмоқда, ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда. «Ватан» кинотеатрида намойиш этилаётган ҳужжатли фильмлар, «Фарҳод» деҳқон бозори радио тармоғи орқали эштитирилаётган субтаблар газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш мавзуларига қаратилмоқда.

Шунингдек, корхона, ташкилот ва билим олиш масканларида, маҳаллаларда газдан бехатар фойдаланишга доир ва унинг акси бўлганда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида субтаблар уюштирилмоқда, ҳужжатли фильмлар намойиш этилмоқда. «Ватан» кинотеатрида намойиш этилаётган ҳужжатли фильмлар, «Фарҳод» деҳқон бозори радио тармоғи орқали эштитирилаётган субтаблар газдан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш мавзуларига қаратилмоқда.


Ҳар бир ходимимиз туманимиз аҳолисини узлуксиз ва хатарсиз газ билан таъминлаш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Айниқса, бош муҳандис Искандар Шамсиев, Самий Фозилов, Мирсолиҳ Зарипов сингари чилангарларимиз бу борада сидқиқликдан меҳнат қилишмоқда. биз шуни истардикки, нафақат тумангаз ходимлари, балки бу ерда яшовчи барча аҳоли хавфсизлик икки ойлигида фаол иштирок этишса, уюшқоқликда ўтган тадбир, албатта ўз самарасини беради.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Изоҳлари асосида тўпилиб шаклга ёзилмаган сўзлар «занжир» ҳосил қилади.
1.Тошкентдаги XV-XVII асрлар давомида бунёд этилган бинолар мажмуидан иборат обида, мадраса. 2.Маърифатпарвар шоир, биринчи ўзбек журналисти аёли. 3.Милондинг I-XIII асрларига мансуб пойтахтимиздаги шаҳар харобаси. 4.Тошкент яқинидаги шаҳар. 5.Аёллар журналі. 6.Пойтахтимиздаги нарийёт. 7.Майда пул. 8.Сайиллаб ўтказилмаган сўз устувори баҳси. 9.Авалги номи Қувуви бўлган шаҳар. 10.Безак буюмлари учун ишлатилмаган рангдор маъдан. 11.Чуян асбоблари қувуви хунарманд. 12.«Шоҳнома» достони қаҳрамони. 13.Франциядаги шаҳар. 14.Алмиш Навойнинг «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамони. 15.Ҳажвий мўжаз асар. 16.Сув йўли. 17.Янги уиб чиққан кўчати сийрақлаштириб қайта экиш. 18.Ойбекнинг «Навой» тарихий романи қаҳрамони. 19.Автобиллар пойгаси. 20.Каштадўзликда гул тикиш усули. 21.Металларнинг аралашувидан ҳосил бўлган, сувда эрийдиган қимвий модда. 22.Гуна номдош аёллар исми. 23.Йирик сув паррандаси. 24.Езувчи Мирқарин Осим қаламига мансуб тарихий қисса. 25.Мукамал лутқат нашири. 26.Тригонометрик функция. 27.Пул бирлиги. 28.Дарс берувчи мутахассис. 29.Ўзбек мумтоз газалнавис шоири.



Муаммонома
Оқчиқ сўзлар: 1.Ўзбек шоири «Кийнома» достони муаллифи — 12,6,16,14,5,10. 2.Низомий Ганжавий ҳикматидан: 3,6,9,2,1. Ҳарфлар, чунки хунарда кўп сир, Епик эшиқларни очар бирма-бир. 3.Мумтоз шоир Абдурахмон Жомий таърифида:
Ичи гунаҳи каби варақ-варақдир. Қимматда ҳар варақ табак-табақдир — 11,5,14,7,4. 4.Сайёра — 17,1. 5.Кўтаринки қайфият — 15,2,13,8. Энди шакл марказидаги рақамларни очин сўзлариди ги мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммонмани ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган қомусий аллома аён бўлади.

Газетанинг 29 сентябрь сониди чиққан бошқотирманинг жаоблари:

Ейлар буйича «занжир» ва кесишган ҳолда: 1.Қалпамчи. 2.Рақс. 3.Садаф. 4.Фурқат. 5.Тахометр. 6.«Рустам». 7.Морган. 8.Неру. 9.Улуғзода. 10.Араб. 11.Бўстонлик. 12.Қорақул. 13.Лимон. 14.Назоқат. 15.Тим. 16.Мард. 17.Данак. Ейлар буйича: 18.«Садокат». 19.Банорас. 20.Амрқон. 21.Саратон. 22.Транзит. 23.Эрмитаж. 24.Украина.

Муаммоннома
Оқчиқ сўзлар: 1.Элбек. 2.Фард. 3.Ванга. 4.Илос. 5.Меҳнат. 6.Бўз. Ҳикмат: Ҳар бир дарахнинг меваси бор, кўнглининг меваси эса фарзанд.

Онаизор ўглини уйлантириш ниятида кўп қизларнинг уйига совчиликка борибди. Ният, анча хушбичим қиз таллабди. Ота-она келинга кўзни қамаштирадиган кийимлар тикириб, орау-хавасни ўрнига қўйибди. Она бўлажак келининг исми Роҳат бўлганлигини рўқча қилиб, бизларга тинчлик ва хурсандчиликти баша этди, деб қўшниларга роса мактабиди, тилга олса арзийдиган катта тўй-томоша билан келин туширилибди. Кўёв Мўминжон исми-жисмига мос тушадиган йигит бўлиб, сабр-қаноатли ва андишали эди. У хотинидан жуда мамнун, онаси эса ундан ҳам ортиқ хурсанд. Чунки Роҳат эрта тонгдан туриб уй ва кўчани сугуриб, сув сепади, дастурхонни ва чойни тайёрлаб қўяди. У ширин сўзлар билан эрини эркалайди, қайнота ва қайнонанинг ҳам хурмати жойига қўяди. Шу тарзда кун ва ойлар дарё суви каби оқиб ўтаверибди. Аммо Роҳатнинг борган сари «мисси чиқиб» хонадонда тинчлик ва хотиржамлик йўқолибди...

У тун бўйи қайнона ва қайнотасини ёмонлаб, алоҳида уйда яшаш кераклиги ҳақида тикилини қилаверди. Мўминжон бунга кўнмай ғийбатни тўхтатишни талаб қилганда, у бирдан ўрнидан иргиб туриб, Мўминжонни ҳақорат қила бошлади. Эртаси кундан бошлаб сугуриш-сидириш ва оқватларни тайёрлаш ўлда-жўлда бўлиб қолади.

Қайнона келини насихатлар билан йўлга солишга кўп уринди, қимматбахо совғалар тортиқ қилди. Ора-сира хизматкорни уй ишларига жалб қилиб ҳам турди. Роҳат эса шовкин-сурон кўтарсам аяши бўлар экан, деб уни давом эттирверди. Бунга чидай олмай қайнонанинг қаттиқ гапиршидан бошқа иложи қолмади. Икки томон ўртасидаги элдиди кескинлашиб, шовкин-сурон кўтарилди турди. Бундай пайтларда қўшиллар чиқиб тинчлишга даъват этганларида, Роҳат уларни ёмон сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Жанжалнинг бирида қайнона ва Роҳат бир-бирларининг соқидан тортишиб ва юмғаллашиб кетишди. Мўминжон кекурун уйга келганда Роҳатнинг онасиникига кетганлигини эшитиб, ота-онасига у билан ажрашмоқчи эканлигини айтди. Бироқ улар ўртада болалар бор-ку, эс-хуши кириб қолса ажаб эмас, дейишиб ўғилларини совчиликка икки-уч ойдан сўнг Роҳатнинг ўзи ҳеч нарса бўлмагандек қайнонага салом бериб уйга кириб келди. Бироқ бир ой ўтар-ўтмас тўполонга яна бошлади. Аммо энди у онасиникига кетишни тўхтатиб, уй ичига

қамалиб ўтиришни одат қилиб олди. Шу тарзда йиллар ўтиб ўғил-қизлар ба-логатга етишди. Мўминжоннинг уйдан кўнгли совуб, кеч тонг келадиан бўлди. У аёл киши билан тенд келмайин деб, чидаб юрверди. Ота-она дардага қалиниб дунёдан кўз юмди, бироқ Роҳатнинг тўполонининг кети кўринмабди.

— Хотин, — дебди Мўминжон бир кун, — фарзандларимиз воёга етиб, бири уйланидиган, бошқиси узатиладиган бўлишди. Шовкин-сурон қилаверма, совчилар суриш-тирганда айниб кетишадди.

Роҳат эса бўш вельмай: — Менинг совчилар билан ишим йўқ, нимани хоҳласам шуни қилавераман. Ҳеч кимнинг олдига бошимни эмгаман. Кимки мени ёмонласа ўзидан кўрсин, — дебди билдилади.

Қўшиллар ва қариндошлар Роҳатни ёмон одам сифатида таърифлаб: — Мўминжоннинг жони темирдан экан-ки, чидаб юрибди, — дейдиган бўлишди. У бечоранинг сочи тўкилиб, афтини ажин босиб, ҳасса билан юрадиган даражага тушиб қолибди. Оёқ ва қўл заифлашиб титрайдиган бўлибди. Кунларнинг бирида Мўминжон ҳолдан тойиб ўғил-қизлари, кўёвлар ва келинларни хузурга қачириб: — Кўриб турибсизлар, ўлим тўшағида умримнинг охири дақиқаларини ўтказмакдман. Ўзимни сувга ва ўтга уриб қаттиқ меҳнат қилдим. Аммо Роҳатнинг «ит феъли» орқасидан ҳаёт гашини сурулмай бамисоли дўзахда яшадим. Фарзандларимнинг соғлиги ва тақдирини уйлаб Роҳатнинг жанжалини тўхтатишга ҳаракат қилдим. Бунга эришмоқ учун сен яхшисан, фариштасан, менинг ўзим ёмонман, деб бошимни эгиб турардим. Шунда юрагим тилка-пора бўлиб кетгандай туюларди. У писанд қилмай тўс-тўполонни янда кучайтирарди. Мени ҳақоратлагандан сўнг, фарзандларини ҳам йирткич панжасидан ўтказарди. Маҳалла ахли безор бўлиб уни «Роҳат шаллақи», деб аташарди. Бунинг

орқасидан шахарда бизга ҳеч ким қизини келинликка бермади, қизларимизни эса олишмади. Шу боис келинларни узоқ қишлоқлардан олишга ва қизларимизни мусофирларга хотинликка беришга мажбур бўлди. Шунга қарамай, у тўполонини тўхта-мади. Унинг она деган улоқ номини сийлаб сўкмадим, урмадим. Бирок у бунинг қадрига етмай оналик ва хотинлик бурчини адо этшни хаёлига ҳам келтирмади. Энди гапининг хулосасини эшитинглар: мен ҳам одамларга ўшаб тинч-товуш, шоду хуррамликда яшашни истардим. Аммо бир бало хотинга ураб, бу эзгу орауим рўёбга чиқмади. Дўсту душманларим олдига ҳамма хижолат ва бошим эгилган ҳолда юрдим. Айниқса, Роҳатнинг дастидан касалга қалинган ота-онамнинг вафоти юрагимни ўртаб юборди. Буни эслаганимда бутун дунё кўзимга қоронги кўринади. Ҳатто ўзимни дарёга ёки жарликларга ташлаб ўлгим келарди. Ҳеч кимга озор бермаганман ва ҳаром йўлда юрмаганман, нечук

ган аёлнинг юзига туғурибди. Аёллар бўш келмай тўйдан ҳайдашибди. Шундан кейин ҳам унинг кўзи очилмабди.

Энг сўнгги сўзим шуки, вақти келиб Роҳат шаллақи ҳам ўлганда унинг мурдасини менинг қабрим ёнига дафн этманглар. Уни бу хуқуддан маҳрум этман. Оллоҳдан унинг дўзахга тушишини илтижо қилман. Бунинг шаллақи бўлган норозилигини, нафратим ва жазолашимнинг белгисидир...

Роҳат шаллақи шунда ҳам бўш келмай ўзини оқлаган ҳаракат қилиб шовкин-суронни кўтарди. Аммо Мўминжон ақалини жони узи-лганлигини кўриб: — Войдод, менинг шўрим қуриди, — деб додлай бошлади.

Фарзандлар отамизнинг ўлимига сабабчи бўлдингиз, дейишиб оналарини қоралашибди. У бунга чидай олмай хонадаги чинни идишлар ва ёстиқларни ота бошлади. Фарзандлар уни итариб ҳовлига олиб чиқишди. Бу ерда у умчани кўтариб ерга отганда пешонасига тегиб хушидан кетади ва орқа мияси билан деворга урилади ҳамда жон таслим қилади.

Эртасига хонадондан чиқарилган икки то-бутнинг биридаги Мўминжон ақалини мурдасини 400-500 киши кўтариб ўнг томонга йўл олади. Роҳат шаллақининг тобутини 10-15 кишидан иборат қариндошлар чап томонга — узоқ қабристонга юришди.

Шу тарика Мўминжон ақалининг васияти амалга оширилган эди.

Мазкур воқеани кўрган ёки эшитган кишилар Роҳат шаллақини дўзахга бўлсин дейи-шиб, қўлларини фотиҳага кўтаришди. Мўминжон ақалини босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлига ачинишиб, «Жойи жаннатда бўлсин» дейишди.

Бир йигинда ўқимишли киши дебди: — Биродарлар! Роҳат шаллақининг онаси менинг қариндошимга келин бўлиб тушган. У эрини эзиб сувиши шундай симириб ичди-ки, у бардош бера олмай қочиб қутилди. Ун йил бўлдики, ҳамон ундан дарақ йўқ. Мўминжон ақалини хотини устидан чиқарган ҳуж-мига келганда айтиш лозимки, у энг дах-шатли жазодир. Чунки эрининг ўлим тўшағида хотинидан: «Мендан рози бўл, ёмон-яхши гапирган бўлсам кеңир», дейиш ўрнига жа-золаши уни дўзахга чорлаш билан тенгдир...
Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор.

ОФИР ЖАЗО

Ҳаёт сабоқлари

шаллақи хотинга мубтало бўлдим, деб ўзим-га ўзим савол берман. Аммо жавоб топол-май кўп қўйналардим. Айб ўзимда бўлса ке-рак, чунки софдил ва содда онамга ишониб Роҳатнинг зоти-зуррибди ва фелъ-авторини суриштирмай хотинликка олдим. Ҳаётга бун-дай совуққонлик билан қарашинг жазосини тортиб, шовкин-суронлар ва ҳақоратлар бу-тун аъзо бадамнинг аччиқ зардоб билан чулғаб олди. Умримнинг охири дақиқасида бу заҳарли зардобдан холи бўлишим дар-кор. Акс ҳолда нариги дунёда ҳам унинг азоб-бини тортишим аниқ. Роҳат шаллақиға эри-нга бўш келма, оёқ ости бўласан, деб тар-бия берган онасига минг ланъат. Буни оғи-шмай адо этган ўша шаллақиға ҳам ланъатлар ёғилсин. У қўшни хотинларга: «Мен эрини кул каби орқадан эргаштириб юраман. Унинг овозини ўчириб ҳоҳласам елкасига минаман, сизлар эса жилволи эрларнингизга бериб хор бўлиб юрибсизлар», — дебди.

Бу бемаъни сўзига эътироз билдириб, хотин эрни ҳурмат қилса жаннати бўлади, де-

Ҳикмавлар

- ◆ Энг оғир дард — нодонлик, энг кучли хасталик пасткашлиқдир.
- ◆ Ҳар қандай яра тузалади, аммо виждон ярасига даво йўқ.
- ◆ Манфур одамнинг ёрдамидан, хассис одамнинг дўстлигидан фойда йўқ.
- ◆ Ҳалол меҳнат билан топилган ва хайрли ишларга сарф қилинган бойликдан яхшироқ бойлик йўқ.
- ◆ Одам ўз элига яхшилик қилиш билан улларнинг улугува айланади.

- ◆ Агар бир идишдан кўпчилик ейишга тўғри келса-ю, оқват оз бўлса, у ҳолда камроқ енг. Чунки биров тўйиб, бошқалар оч қолмасинлар.
 - ◆ Қаноат — иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий ҳазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк.
 - ◆ Юракка ўрнашиб олган манманликни йўқотишдан қўра, тоғни игна билан йиқитиш осонроқ.
- Шонра МУҲАМЕДОВА тўғрисида.**



(Давоми. Боши газетанинг 107, 110, 113, 116-сонларида).

Ул менга бисёр илдорлик қилиб, андин кейин икки калима рўқча (хат) битдириб менга бериб айдиким, шаҳарнинг чорсувига борил, анда бир жаҳоҳирфурушлик дўконида бир оқсоқол киши бордур, ул кишининг бир неча нишонлари бордур, деб, ҳаммасини баён қилди. Бул руқсани анга берилг ва хар нимараски берса ани олиб келгил — деди. Мен ул руқсани ёпиқлиги сабабли ўқимадим. Вақтики ул киши олдига бориб руани бердим, ул мутолаа айдаб, андин кейин руқсани ўпиб қўзига суртиб, филҳол дўконинг чиқиб менинг қўлимдин ўшлаб уйга бошлади. Йўлда то уйига боргунча менга меҳрибонлиқни бисёр қилди. Вақтики уйига доҳил бўлди, мени меҳмонхонага ўлтиргизиб, ўзи хилватхонасига кириб бир лаҳзадин кейин чиқиб бир катта табақ олтиндин сарпўш (қопқоқ) қилинган, қимбо дастурхонга ўраб, бир хизматкорга кўтартиб, ул хизматкорга дедиким, бу йигит қаерни хоҳласа ўша ерга олиб бориб бергин — деди. Мен буну кўриб ўқиб, кўзимга ёш олиб келур эрдим, охир ҳолим шу ерда анжом тоғдиму — деб, вақтикикарвон саройга етдик. Хизматкорга ҳўжрани эшиқига бориб — дедим. Ул хизматкор дастурхонни қўйиб кетди. Мен кўзларимдин ёш тўкиб, дастурхонни кўтарай деб мулоҳаза қилсам, жуда оғир экан, билдимки нима экан. Алҳол ҳўжрага олиб кирдим. Ул нозанин дедиким, очил ул нечук юборди — деди. Мен хайрон бўлиб дастурхонни очиб эрдим, сарпўшни бир тарафидин тиллолар сочилиди. Муну кўргандин кейин хотиримга етдики бу сарвар қайси хонадондидурди, бу руқча билан мунча қизил эварларни берди — деб. Энди бу сўзни сўрай деб, пурси қилдим, ул моҳи пайкар ҳеч нима демади. Аммо айдиким, эй фалони харж сабабини ҳеч кўнглингда сўз келмасун, билурманки барча сармоянги мени йўлимда бардоб бердинг. Менинг ҳўжрада хар нимараски бажо келтирдиган анинг миннати мендадур — деди. Худо хоҳласа сенинг хижолатингдан чиқурман ва яхшиликларингни қайтарурман — деди. Мен шармандавор оёқларига йиқилиб, тилимни дуога очдим. Андин кейин дедиким таом тайёр қилгил. Дарҳол тайёр

Донишмандлар хазинасидан БИРИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

Тасмдин сўнг дедиким эй фалони, агар муҳаббат даъвосида содиқ эрсанг, менинг харна амримдин чиқма-гил. Мен айтдим, хар некини хоҳласан бажо қилурман. Ул олиёйхо дедиким, бозорга бориб икки кийимлик фо-хира либосни ўзинг учун харид қилгил. Андак тааммул (тўхтаб турмоқ) қилдим. Ул гапмин бўлди. Аҳдимни буз-дигил, энди бизнинг орамизда қандай сазоворлик бўлур деб, ўзининг азиз жони билан қасамёд қилдиким, агар хар нимарса қилсам, сен анинг хилофини қилсанг сендин жон билан ранжойман деди, лекин анинг амрини бажа-ришдан ўзга чорани билмас эрдим. Филҳол бозорга чи-қиб икки кийимлик либос келтирдим. Ани қабул қилма-ди, чунки арзон мато эрди. Бинобарин, бир неча марота-ба бозорга бориб, унга маъқул бўларли матони олиб кел-дим. Андин кейин ул ягонаий даврон, сардори ҳўбоннинг фармони билан ҳаммомга бориб, янги либосни кийиб тоза бўлиб, сўнг ҳўжрага кирдим ва ул нозаниннинг ол-дига келиб ўлтирдим. Ул белимни силаб олдига ўтказди. Мен ниҳоятда, заъқ-шаъқдин Йиғлар эрдим. Ул йўҳиру меҳрибонлик билан кўз ёшимни артар эрди.

Эй дарवेशлар, ул микдор меҳрибонликлар айладим, жон фидо қилмоқчи хоҳлар эрдим ва бошимни оёғига суртар эрдим. Бир кун дедиким эй фалони, тоқай бу сар-ройда юрармиз. Энди бир меҳмонхона тайёр этгилки, акобирларга писанд бўлгудек. Анинг фармони билан бир иморат сотиб олиб, қирқ кун уста ва наққошларни ишла-тиб бир ажойиб қаср тайёр қилдиким, хар киши кўрса писанд этгудек бўлди. Андин кейин айтди, бир ниқоб келтиргил. Бир ниқоб келтирдим. Ул нозанин юзига ни-қоб тортиб яна буюрдиким бир неча динорни саройбонга бергил — деб. Андин сўнг асбоб-олотни олиб янги уйга бордик. Ул иморат эмас бир ўрда эди. Фаршлари (палос) ўзига муносиб эрди. Бул жойда қарор топдик. Энди мен-га ҳам либос лозим бўлади — деди. Мен хурсанд бўлдим. Яна айтдики, менинг қаддимга муносиб либослар қаерда бўлур — деб сўради. Мен билмасман дедим. Ва яна бу жаҳоннинг либослари сизга муносиб келмас — дедим. Менга буюрдиким хона саройига бориб, ул саройининг ота Қасрийдур, Шом подшоҳи бино қилгандур. Анда бир дўкондор йигит бордур. Шом подшоҳини бойидур. Анда ҳамма писандида либослар тайёрдур. Агар анда бор-санг мен хоҳлаган либослар анда бордур — деди. Бас, андин кейин Сарой Қасрияга бордим. Бир дўкончи кўрдим олтин ва лоҳувлар деворларига осилгон, хар жинсмато-лардан анда бордур. Ул дўконда бир йигитни кўрдим ёши йигирма бешга етган эмас, юзи монанди офтоб, сочи мушқнофдек наҳжувон, гул хирмони мислилик ва неча ру-мий куллар ва неча хитой, хиндий куллар белларига зар-рин камар боғлаб, ул йигитни олдига одоб билан хизмат қилиб турибдурлар. Ул йигитни ҳўсни жамолини тамошо қилиб, олдига бориб салом қилдим. Ул латофат ва назо-фат билан алиқ олди. Шу йўсин яқинлашиб эрдим, ул йигит лутф марҳамат айлаб кўришиб, меҳрибонлик қил-ди, гўё эски танишлардек. Андин кейин дедиким, не нар-салар лозимдур? Маҳфий айтурман дедим ва қулоқига дедимки, бир мастура учун бир сидра либос лозимдур. Дарҳол куллари бир бўҳча олиб чиқиб олдимга қўйди. Кўзимга нимайки чиройли кўринса ани айриб олдим. Аммо хизматлар бўлса буюргил — деди: мен хуш бўлғай деб, ул либосларни баҳосини сўрадим. У ўттиз тўман яъни микдори ул минг тиллодур, дарҳол баҳосини бер-дим ва яна бир-икки динор хизматкорларига ҳам бердим. Ул йигит менинг аҳолимни кўриб сўрадиким, эй бирод-дар қайси шаҳардан бўлурсан? Камина шаҳри Ямандин бўлурман — дедим. Ул йигит бир кеча сиз билан дамоҳсу-қаб бўлишни орау қилурман — деди. Мен узр айтиб де-диким, эй биродар бир мастура бор, ани ёлғиз ташлаб ҳеч қаерга боролмасан, бу дийрда гарибдурман. Иншо-оллох, агар трирликлик бўлса келурман — дедим. Ул йигит асло қўнмади. Мен унга уйга бориб сўнг қайтиб келур-ман деб, шарт қилдим. Вақтики уйимга бориб дарвозани қўқдим, ул ягонаий даврон эшикни очди, бўҳчани қўли-дин олиб, либосларни кўрди, хурсанд бўлиб, ул йигит-нинг хол-аҳолини сўради. Мен нимайки ул йигитнинг синатидин кўриб эдим, бир-бир баён қилдим. Келурман деб ваъда бердим — дедим. Анда ул нозанин айтди агар менинг ризолигимни истасанг ваъданга хилоф қилма-гилки ёлғон ваъда яхши бўлмас. Мен айтдимки эй жоно-нин менга сенинг хизматинг басдур, сендин ўзга яна бировга ружў қилмасан. Анда ул айтдики, албатта анга берган ваъданга бевафолик қилмагил, менинг таноқли-гимни андеша қилмагил ва бул кеча у ерга бориб то сўбҳгача ул ерда бўлғай деб дололат қилур эрди. Менинг кўнглим тилмасан эрди. Лекин ул санам қасамёд қилди-ким, агар бормасанг сендан хафа бўлурман — деди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми б.)

Тадбирлар МАЪРИФИЙ-БАДИЙ КЕЧА

2-Тошкент Давлат тиб-биёт институти даволаш ва тиббий педагогика факультетларининг 3-курсда тах-сил олаётган талабалар учун «Шифохонга йўл» деб номланган анъанавий маъ-рифий ва бадий кеча бўлиб ўтди.



Ушбу суратларда тасвирланганидек шахримиздаги 534-болалар богчасида фарзандларни санъатга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Бу ишда мусиқа ходими Ирода Маликованинг хиссаси ниҳоятда каттадир. Равиль Альбеков олган суратлар.

Тан олиш жоизки, кеча ўзининг гўзал шакли ва мазмун-дорлиги билан давлатларидан тамоман бошқача ўтди. Ушбу кеча илк бор шифохона оста-насига қаддам қўйган 3-курс талабаларига аталган бўлиб, уни ташкил этиш ва ўтказишда ички касаликлар кафедраси раҳбарлари ва ходимлари та-шаббус кўрсатишди.

Диеталогик ўғитлар, ибратли шорлар билан безатилган гўзал зал талабалар билан лик тўла эди. Ахир талабалар учун икки йиллик тинимсиз назарий илмларни ўрганишдан сўнг уларни амалиётда қўллаш ор-қали билимларини янада бой-итиш нега қизқарли ва ҳаяжонли бўлмасин?

Ушбу мароқли тадбирнинг ташкилотчиси, кафедра муди-ри, устоз профессор Эркин Ко-симов сўзга чиқиб йигилган талабаларни ҳаётда фақат ростиғ, ҳилол-покиза, хушхул, ширинсўз ва энг муҳими, тоза қалб шифокор бўлишга даъват этди ва ўзбекистон Республикаси шифокорлари қасамёди-ни ўқиди. Барча талабалар «Мустақил ўзбекистон шифо-кори қасамёди»ни қабул қилишди.

Тадбирда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти илмий иш-лари бўйича проректори, про-фессор Фарида Аюпова, ўзбе-кистон халқ шоири Нормурод Нарзуллоев, қомусий олим Аб-дукарим Усмоновжаев, элшу-нос олим Билал Аминов, да-волаш факультети декани, про-фессор Шерзод Зокиржўраев ушбу тадбирнинг моҳити ва тарбиявий аҳамияти хусусида гапирдилар ва талабаларни илк бор шифохонга қаддам қўйиш-лари билан қўтладилар.

Тадбирни қизқарли ўткази-шда 3-курс талабаларидан А.Зуфарова, З.Аскарובה, Н.Алимова, Г.Нуруллоева, У.Ҳамдамов ва бошқа ўнлаб аълочин талабалар устозлари ассистент Нилуфар Саидийга яқиндан қўмақлашдилар.

Маъзур тадбир ўзининг ҳаяжонли онари ва завоқи билан шифохонга илк бора қаддам ранжиди қилган тала-балар қалбиди бир умр муҳр-ланиб қолдиган бўлди.

Кўтбидин НИЗОМОВ,
«Тиббиётнома» газе-тасининг бош муҳаррири.

Назм

МАҲҲИЯСИ ТИЛДА ДОСТОН

Ўзбекистон чаман дийр,
Яшнар боғу бўстонлари.
«Оқ олтин»и мўл-қўл, бисёр,
Хазинага бой қонлари.
Кўриқлайди ўғлонлари,
Она Ватан посбонлари.
Ўткир кўзли лочинлари,
Кўздай асрар сарҳадларин.
Уйда кутар Барчинлари,
Алпомишу Фарҳодларин.
Қадди баянд осмонлари,
Она Ватан посбонлари.

Бургут мисол шунқорлари.
Тоза виждон, иймонлари
Она Ватан посбонлари.
Қадамидан ўт чақнайди,
Томирида Темур қони
Шунқори бор эл кўрқмайди.
Ортар оққиш, шараф-шони
Дев келбатли полонлари,
Она Ватан посбонлари.
Ватанимиз Ўзбекистон,
Ушаммоқда армонлари.
Маҳҳияси тилда достон.
Дардига эм-дармонлари,
Юртисга жон қурбонлари,
Она Ватан посбонлари.

Равшан ИСОКОВ.

Хотира

КИТ ЙЎҚИДИ?

Иқтидорли журналист Тўлқин Расулев сўзлаганда ниҳоятда тағдор қилиб, нишонга теккизиб сўзларди.

У кўпчилик қатори «Гурбатий» лоқабни бир йвгоарни унча хуш кўрмасди. Айни ёзнинг чилласи эди. Тўлқин ака «сўйган» киши эса Соҳида дам оларди. Тўлқин пай-тида ҳамкасбларимиздан бири ақомизга:

— Эшитдингизми Тўлқинбой, «Гурбатий» денгизда чўмилиб тур-ган пайтида юрак хуружи қилиб, чўкиб кетишига сал қалибди, — дебди ваҳима билан.

Шунда Тўлқин ака жиддий оҳонда:

— Эй воҳ! Бу не ҳол? Наҳотки ўша пайтда улкан бир денгизда биттагон кит топилмабди, — деб жавоб берибди.

ҲУШЁРЛИК

Пойтахт туманларидан би-рида ўзининг катта тажриба-си, меҳнатсеварлиги, касбига фидойилиги билан ном чиқар-ган халқ таълими бўлими му-дир фаолият кўрсатган, у киши юқоридаги хислатлардан ташқари ниҳоятда элпик, ҳазиржавоб бўлиб, боши берк кўчадан ҳам чиқиб кетиш йўлини топувчи киши эдилар.

Туманда ҳар ҳафтада шанба-лик ўтказиш одат тусига айлан-ган эди. Туман худудида боғ бор-по этилоётган пайтлар эди. «Ака-хонжимиз ўқитувчи ва ўқувчиро-дан иборат ҳашарчиларга иш тоқ-симлаб туман ходимлари билан саяроқ жойда сўхбатлашиб турар-ди. Шу пайт узоқдан сержохл, ўта талабчан, қоқоқ оғонда унча-мунча одамни довдиратиб қўяди-ган туман раҳбарининг гавдаси кўринди. Бу раҳбарнинг кўнглини олиш ва бирор қилган ишни у кишига ёқтириш ниҳоятда мушқул эди.

Даврога етиб келган туман ко-тиби ободонлаштириш бошқарма-си бошлиғига:

— Нима ишни қойил қилдинг, гапир, — дедилар буйруқ оҳанги-да.

Шунда у шовша-пиша қилган ишларини сўзлар экан қотиб:

— Тўхта, сenga ёлгон сўзлаш ярашмас экан, оқиси, кўриниш-дон балони ишини ҳам қилмагон-сон. Бунга мана ялтйлаб турган туфлиларининг ўзи ҳам дололат бериб турибди, — дея танбех бе-рибди.

Бу воқеани қузатиб турган «ака-хонжимиз» шартта туфлиларини се-кингина лойга ботириб олиб го-дек қотиб истиқболига юрибди-лар.

Шукур ДАДАШ.

